



« 5 » ИЮН 2012 йил

Q A R O R

Каттақўрғон шаҳар А. Темур шох кўчасида 48 квартирали уй қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелдаги № 124-сонли «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясининг 28 май 2012 йил 01/790-сонли хати, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2010 йил 12 апрелдаги 133-Қ сонли «Каттақўрғон шаҳрида ер участкаларни бериш тўғрисида»ги қарори билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2010 йил 12 апрелдаги 133-Қ сонли «Каттақўрғон шаҳрида ер участкаларни бериш тўғрисида»ги қарори билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд вилоят Инжиниринг компаниясига Каттақўрғон шаҳар А. Темур шох кўчаси атрофидан 48 квартирали уй қуриш учун 0,45 га ер майдони ажратилсин.
3. Ерни натура тарзида жойида улчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар хўжалик ҳисобидаги «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» хизмати давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилсин.
4. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Раҳмонов ҳамда шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими:

С.З.Раззақов.